

Бундан буюн "БЮЮРТМАЧИ" деб аталувчи Эллиқкальба туман МТБ номидан Устав асосида фаолият олиб боровчи Ж.Балтаев бир томондан ва бундан буюн "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб аталувчи ОТАХОН РЕЙМОВ Ф/Х номидан Устав асосида фаолият олиб боровчи О Реймов бир томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товар ва маҳсулотлар номи	Улчов бирлиги	Микдори	Баҳоси	Суммаси	К К С		Умумий қиймати
						Ставка	Сумма	
1	Олма	кг		9890	0		0	0
2	Болик	кг	454	30000	13620000		0	13620000
Жами					13620000		0	13620000

1.2. Контрактнинг умумий суммаси 13620000 (Уч миллион олти юз йигирма минг) сўмини ташкил қилади (ККС билан ёки ККС сиз). () сум

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани газначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммаси 30 % микдорда олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарни олгандан сўнг 30 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартномада кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг маъсул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомга кўра мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш; - камчиликларни бегараз бартараф этиш;
- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ тузилган шартнома бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун яқиний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан жойлаштирилган шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишига йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 5 - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- Товарларни талаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берилган товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига талаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи микдорда, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз микдорда жарима тўлайди.

Товарлар талаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг қафолатларини тақдим этган ҳолада, талаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош торгунлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим

этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош торгун сумманинг 15 фоизи микдорда жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаеса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи микдорда жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берилганлик учун жарима етказиб берувчидан акцентсиз тартибда ундириб олинади.

4.4. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурийят бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорда пеня тўлайди, бироқ бу пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафини товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.5. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берилганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи микдорда жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз қўли билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. ШИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишимовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишимовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иктисодий судга мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судда кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган қучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажарилмаслиқдан қисман ёки тўлиқ озод бўлади.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни таққиллаш ва бошқалар) сабабли тош шартномаларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган ғавқулдда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатлар қиради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатида қалар узайтирилади. Лекин енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

7.2. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклида тузилиши ва Тарфларнинг муҳири ва имзоси билан таъдиқланган ҳужжат асосида бўлади.



7.3. Мазкур шартнома ҳар бир тарафга битта нусхадан, жами икки нусхадда тузилади.



8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 й. " 31 " Декабрьгача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилиши ҳисобланади.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Ўтказиб берувчи
Ташкилот номи : « ОТАХОН РЕЙМОВ Ф/Х »
Манзил Бустан шаҳри
Телефон:
Факс:
Стир коди 300755531
Оқонх
Х/Р 20208000104706696001
Банк номи: Халқ банк эллиққалъа филиали
МФО 00646
Раҳбар О Реймов
М.У. 


«Буюртмачи»	
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)	
Эллиққалъа туман МТБ	
Манзил: Бустан ш. Х. Дуслиги куча	
Тел./факс 585-14-72	
ш/х* 400522860352507091100251028	
Банк номи	
х/в**	
МФО	СТИР 207267646
ОҚОНХ 92310	
Газначилик бўлинмаси номи	
Ғазна х/в Эллиққалъа тумани Газначилик бўлинмаси	
23402000300100001010	
Банкининг номи Марказий банк тошкент ш	
МФО 00014	
газначилик бўлинмаси СТИР 207267646	
Раҳбар 	
(лавозим)	
	

Юриет ҳулосаси:

Ушбу шартнома амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29-август кунги қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий базаси туғрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига мос равишда туғри тузилади.

Юриет маслаҳатчи: _____

«Тасдиқлайман»

Элликкалъя тумани Мактабгача

таълим бўлими мудири

Ж.Балтаев

Январ 2022- йил

Элликкалъя туман Мактабгача таълим булимнинг 2022 йил харажатлар сметасида бюджетдан ажратилган маблагни мақсадга мувофиқ харажат қилиш бўйича тузилган конкурс комиссияскнинг йиғилиш

БАЁННОМАСИ № 20

Кун тартиби :

Элликкалъя туман Мактабгача таълим булимнинг 2022 йил харажатлар сметасида бюджетдан ажратилган маблагга Мактабгача таълим булимига қарашли мактабгача таълим муассасаларини озик овқат маҳсулотлари ҳақида.

Комиссия раиси :

Комиссия аъзолари :

Ж.Балтаев Элликкалъя туман МТБ мудири.

У.Собиров МТБ бош ҳисобчиси.

М.Ҳакимбаев МТБ хужалик ишлари мудири.

М.Норимбетов ДХБ ҳисобчи.

З.Алламуратова МТБ озик овқат ҳисобчи

Тингланди.

1. Комиссия аъзолари томонидан 2022 йил харажатлар сметасида Январ ойи учун белгиланган маблагдан мактабгача таълим булимига қарашли мактабгача таълим муассасаларини озик овқат маҳсулотлари сифатли ва етказиб бериши шарт эканлиги айтиб ўтилиб, озик овқат маҳсулотлари баҳоларини аниқлаш мақсадида қуйидаги «Отахон Рейимов» фермер хужалиги, Бустанинтер савдо» хусусий қархонаси ва «Бустан туризим» хусусий қархонаси тақдим қилган тижорат тақлифлари кўриб чиқилди. Элликкалъя туман Мактабгача таълим булими мудири Ж.Балтаев сўзга чиқиб, бу қархоналар ичинда «Отахон Рейимов» фермер хужалиги тамонидан етказиб бериш учун қулай бўлган ҳудудларни инобатга олиб ва қархона томонидан сифатли маҳсулотлар бериш қафолатини олиштини айтиб ўтди. Бу уч қархонанинг баҳолари қуйидагича аниқланди. Унга кўра қуйидаги Товар (иш хизмат) ва маҳсулотлар етказиб берувчилардан қуйидагича тақлифлар тушди:

№	Товар иш хизматлар номи	Лот номери санаси ва бошланғич суммаси	Мик дори	Отахон Рейимов фх	Бустан туризим фх	Бустан интер савдо
Ташкилот манзили:				Бустан Шаҳри	Бустан Шаҳри	Бустан Шаҳри
Ташкилот СТИРИ				300755531	304698125	301408114
1	Элликкалъя туман Мактабгача таълим булими			13620000	14500000	15200000
2	Маҳсулотларни етказиб бериш 30% утгандан			10 кун	15 кун	15 кун
ЖАМИ:				13620000	14500000	15200000
Алоҳида шартлар		Сифатли хизмат қилиш талаб қилинади.				

Комиссия раиси Ж.Балтаев сузга чикиб, бу корхоналар ичида « Отахон Рейимов » Ф/Х озик овкат махсулотларини сифатлиги ва етказиб бериш кулай булган худудларни инобатга олган холда айтиб утди.

Карор килади :

« Отахон Рейимов » Ф/Х сифатли, етказиб бериш кулай булган худудларни ва корхона томонидан кафолатни беришни инобатга олиниб , шу корхона билан шартнома тузилсин.

1. Ушбу озик овкат махсулотларини кабул килиб олиш МТБ хужалик мудирини Хакимбаев Мансурга юклатилсин .
2. Ушбу карорнинг бажарилишини ва маблагни пул утказиш йули билан амалга оширувни бош хисобчи У.Собировга юклатилсин .

Комиссия раиси :



Ж.Балтаев

Комиссия аъзолари :



У.Собиров



М.Хакимбаев



М.Норимбетов



З.Алламуратова



№	Исми	Манзили	Телефони	Сана	Ташкилот
1	Ж.Балтаев	Ташкент	330-5521	13.08.14	МТБ
2	У.Собиров	Ташкент	330-5521	13.08.14	МТБ
3	М.Хакимбаев	Ташкент	330-5521	13.08.14	МТБ
4	М.Норимбетов	Ташкент	330-5521	13.08.14	МТБ
5	З.Алламуратова	Ташкент	330-5521	13.08.14	МТБ

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyiyaning turi: Shartnoma.

2. Loyiyaning nomi: Xo'jalik shartnoma

Otoxon Reyimov fermer xo'jaligi va tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi o'rtasidagi 2022 yil 28 yanvar kungi 13620000 (O'n uch million olti yuz yigirma ming) so'mni tashqil qiladigan №3-sonli oldi sotdi shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Ellikqal'a tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 28 yanvar kuni ishlab chiqilgan va 2022 yil 28 yanvar kuni dasturga kiritilgan.

4. Loyiha bo'yicha taklif va (yoki) e'tirozlar:

Loyiha amaldagi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 386-436 moddalari hamda 1998 yil 29 avgust kungi 670-II- son "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonuni hujjatlarida.


Xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak.

Xo'jalik shartnomasida hisob-kitob qilish tartibi belgilanayotganda tovarlar (ishlar, xizmatlar) haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo'lmagan miqdorda oldindan to'lab qo'yish albatta nazarda tutilgan bo'lishi kerak.

Xo'jalik shartnomasini tuzishda taraflar tegishli turdagi shartnomalar uchun ishlab chiqilgan hamda huquqiy ekspertizadan belgilangan tartibda o'tkazilganidan so'ng e'lon qilingan o'zlarining namunaviy yoki tipovoy shartlariga (shakllariga) amal qilishlari mumkin.

Loyixa qonun xujjatlarida ko'rsatilgan talablarga muvofiq ishlab chikilgan qabul qilish maqsadga muvofik.

Markaz bosh yuriskonsult:



S.Nurmaxashev